

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МАЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ.

*Божхона институти Божхона экспертизаси ва
товарларни таснифлаш кафедраси доценти*

Содиқов Зафар Турғунович.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон мустақиллигини ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади¹. Сир эмас, бугун Ер юзида иқлим ўзгариши боис юз бераётган табиий офатлар, ерни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби ҳолатлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштиряпти. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиши кузатилаётир. Албатта, бу ҳолат бизга ҳам ўзининг салбий таъсири кўрсатмоқда.

Жаҳоннинг 54 мамлакатада оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20 дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи, яъни деярли ҳар 8 одамнинг бири тўйиб овқатланмаётгани бунинг яққол далилидир. Шу боис дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият бериб келинади.

Энг сўнги тадқиқотлар сайёра аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўйиб овқатланмаслик оқибатида асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосидан азият чекаётганлигини, 52 мамлакатда очликнинг “жиддий”, “хавотирли” ва “фавқулодда жиддий” даражалари қайд этилганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг оқибатида дунёдаги 160 миллиондан ортиқ болада бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ жиддий камчиликлар кузатилмоқда. Кейинги уч йилда бу кўрсаткич салбий томонга ўзгараётгани ачинарлидир. Шу ўринда очликдан азият чекаётган аҳолининг аксарияти, яъни 520

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/6645>

миллиондан ортиғи осиеликлар эканини айтиш жоиз. Одамлар тез кўпайиб бораётгани, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти чекланаётгани сабабли кўплаб мамлакатларда аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш асосий муаммога айланаётгани ҳам ҳақиқат.

Глобаллашув шароитида долзарб масалалардан бири бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этади².

Ўзбекистон томони жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда озиқ-овқат бўйича хавф туғдириши мумкин бўлган масалаларни институтционал кўриб чиқиш асосий мақсади деб билади.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюй мамлакатимизга ташрифи давомида амалга оширилиши лозим бўлган инновациялар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аграр маҳсулотларни саноат ишлаб чиқаришга жадал ва кўламли йўналтирган ҳолда, қўшимча қиймат яратишни кўллаб-қувватлади. Бу борада халқаро бозорга чиқиш режалари, логистика ва барқарор ривожланиш учун зарурий дастурлар билан яқиндан танишди.

Ўзбекистон ва ФАО томонлари 2030 йилга қадар мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурига қишлоқ хўжалигини илмий тадқиқотлар ва инновациялар асосида модернизация қилиш, аграр соҳани рақамлаштириш, молиявий кўллаб-қувватлашнинг таъсирчан воситаларини амалга ошириш ҳамда агроозиқ-овқат тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича қўшма тадбирларни киритишга келишиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда юз бераётган совуқнафас можаролар, иқлим ўзгаришлари, ундан олдин COVID-19 таъсири натижасида жаҳонда аҳолининг кудалик яшаш эҳтиёжлари учун нархнинг ўсиши болалар сонининг кескин тўйиб овқатланмаслигига олиб келмоқда.

² <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/07/food-security-conference/>

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, ўсмир қизлар ва репродуктив ёшдаги (15-49 ёш) аёлларнинг кундалик озиқланиш бўйича ҳозирги ҳолати, мувозанатдан чиқиб кетган³.

Жумладан, тўйиб овқатланмаслик, микроэлементлар танқислиги ва камқонлик шакллари паст ва ўрта даромадли мамлакатларда кузатилиб, энг заиф болалар ва ўсмир қизлар, ҳатто аёлларга таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда Ер юзидан 8 миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. БМТнинг Аҳолишунослик фонди статистикасига қараганда, 40 йилдан сўнг сайёрамиз аҳолиси 9 миллиарддан ошиб кетади. Асримиз сўнгигача инсоният 10 миллиардга етиши мумкин.

Бироқ дунёда фаровонлик даражасининг ошиши, таълимдаги ислохотлар ва соғлиқни сақлаш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ туғилиш камайиши мумкин деган қарашлар ҳам ўртага ташланмоқда. Масалан, бундан 60 йил аввал бир аёлга ўртача 6 нафар бола тўғри келган бўлса, эндиликда бу рақам анча камайган. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бир аёлга 1,7 бола тўғри келса, ривожланаётган мамлакатларда бир аёлга 4,2 нафар бола тўғри келади.

Дунё бўйича бу рақам 2,5 фоизни ташкил қилади. БМТга институтлари таҳлилича, аҳоли сонининг ўсишига инсоният қўлга киритаётган муваффақиятлар бош омил бўлмоқда. Аҳолининг ўсиши Осиё ва Африка қитъалари ҳисобига бўлмоқда. Аҳоли сонининг ошиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ҳам ортиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Инсониятни боқиш учун 2050 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотларини ҳозиргига қараганда 80 фоиз кўп ишлаб чиқаришни тақозо этади⁴.

Масаланинг яна бир жиҳати, қашшоқ мамлакатларда аҳоли тўйиб овқат емаётган бир вақтда ривожланган мамлакатлар аҳолиси кўп овқат истеъмол қилишдан семириб кетмоқда, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бу фикрлар ҳам бир

³ <https://yuz.uz/news/xalqaro-formatdagi-oziq-ovqat-xavsizligini-taminlashda-bir-birini-toldirish-hamkorligi>

⁴ <https://kun.uz/kr/news/2023/09/08/oziq-ovqat-xavfsizligi-boyicha-nufuzli-xalqaro-konferensiya-yakunlandi-xulosalar>

давлатга талабга яраша меҳнат қилиш, оилада соғлои овқатланиш маданиятини шакллантириш, режалаштириш ва захиралар яратиб боришни ўргатади.

Бугунги кунда Ер юзида 600 миллион аҳоли меъёридан кўп овқат истеъмол қилиши қайд этилган. Хусусан, АҚШ ҳиссасига юз миллион киши тўғри келади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизи тўйиб овқат емайди. Жаҳонда болалар ўлимининг 55 фоизи тўйиб овқатланмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ислохотлар янада чуқурлаштирилар экан, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича дастурлар ижроси ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, индустриал жиҳатдан тармоқларни модернизация қилиш орқали ҳудудларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва хорижий сармоялар ва илғор технологияларни соҳаларга жадал татиқ қилинмоқда. Бундан кўзланган мақсад 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан оширишдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида нафақат индустриал, балки маҳаллабай усулда ишлаш дастурларига асосан улкан туб ислохотлар амалга оширилди. Бу саъй-ҳақратлар Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) мутахассислари томонидан ўтказилган Индекс ўрганишларида ўз натижаларини бера бошлади. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларинг хавфсизлиги бўйича жаҳоннинг 115 та мамлакати табиий ресурслари ҳамда барқарорлигига оид тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий асосланган прогнозларда умумий рейтингда Ўзбекистон 12 ўринга кўтарилиб 73-ўринни эгаллаган. Шунингдек, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган 10 мамлакатдан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистон рейтингларда «Иқтисодий фойдалана олиш имконияти» категорияси бўйича 18 ўринга, «Сифат ва хавфсизлик» категорияси

бўйича 3 ўринга, «Барқарорлик ва мослашиш» категорияси бўйича 36 ўринга кўтарилгани эътироф этилмоқда.

Ўзбекистоннинг рейтингдаги ўрнини янада яхшилаш учун ички бозорда озиқ-овқат турларини кўпайтириш, импорт таъминотини диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, озиқ-овқат хавфсизлиги, уни истеъмолчиларга барқарор етказиб бериш, очлик ва камбағаллик, қашшоқликка қарши кураш масалалари бугун ҳам ўта долзарблигига урғу берилмоқда. Шунингдек, “яшил инқилоб” ва инновацион технологиялар самарали татбиқ этилаётгани демографик ўсиш жараёнида инсониятни озиқ-овқат билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига глобал иқлим ўзгаришлари, нефт-газ соҳасидаги муаммолар катта чанг солиб қишлоқ хўжалиги ва инвестиция ҳажми камайишига олиб келаётганини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада катта ишлар қилинди ва қатор ютуқлар қўлга киритилди, муҳими, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, мамлакат мустақилигини барқарор сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бу йўналишда юртимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда йилига 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Сўнгги йилларда эса 800 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш сифимига эга бўлди⁵. Бироқ бу эндиликда эҳтиёжимиз учун кам. Демак, бу мамлакат иқтисодий хавфсизлиги муҳим таркибий қисми ҳисобланган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган

⁵ Статистика агентлиги маълумотлари. 2024 йил.

ишларни тизимли ўрганиш ва такомиллаштириш юзасидан назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилишда қатор қийинчиликлар борлигига қарамай, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу орқали озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилаётганини ҳам айтиш зарур.

Хусусан, белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида 4 млн. гектар асосий, боғ-ток қатор оралари, лалми ва такрорий майдонларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш белгиланган. Ушбу майдонлардан 8,1 млн. тонна бошоқли дон, 528 минг тонна шоли, 579 минг тонна дуккакли, 345 минг тонна мойли, 12,2 млн. тонна сабзавот, 2,5 млн. тонна полиз, 4,1 млн. тонна картошка, 3,1 млн. тонна мева ва 2 млн. тонна узум етиштирилиши кутилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда дала четларига 71 мингга фермер хўжаликлари томонидан жами 59 минг гектар тут, ток, терак, мевали кўчатлар ҳамда 24 минг гектар полиз, сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ишлари якунланди.

Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар натижасида қорамоллар сонини 14,4 млн. бошга, қўй-эчкиларни 24,3 млн. бошга етказиб, 2,9 млн. тонна гўшт, 12,2 млн. тонна сут, 9 млрд. дона тухум, 650 минг тонна балиқ ва 31 минг тонна асал ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Республикада озиқ-овқат саноатида 22 мингдан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2023 йилда жами 75,5 трлн. сўмлик озиқ-овқат саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган⁶.

⁶ Шарипов Қ. Халқаро форматдаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бир-бирини тўлдириш ҳамкорлиги. Мақола.2025 й.

Шуларга мос равишда жорий йилнинг январ-май ойларида қиймати 10 млрд. сўм, қуввати 1,5 минг тонна бўлган битта замонавий агрологистика маркази фойдаланишга топширилди. Айни чоғда қиймати 23,9 млрд. сўм, қуввати 14,5 минг тонна бўлган 22 та совутгичли омборхона иш бошлади. Натижада агрологистика марказлари 67 тага, қувватлари 901 минг тоннага, шунингдек, совутгичли омборхоналар 1820 тага ва қувватлари 1 млн. 196 минг тоннага етказилди. Муҳими, бу борада ишлар давом эттирилмоқда.

Айни чоғда муайян муаммолар сақланиб қолаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Муаммоларни қандай ҳал этиш учун **қуйидаги тадбирларни бажариш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:**

* ҳудудларда белгиланган мақсадли мезонлар бажарилишини таъминловчи агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш,

* озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тартибга солиш ва бошқариш тизимини жорий қилиш;

* озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш, баҳолаш ва кутилиши мумкин бўлган хавфни олдиндан билиш тизимини йўлга қўйиш;

* мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини ривожлантириш;

Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали хорижий давлатлар озиқ-овқат таъминотига салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани халқаро ҳамжамият томонидан мунтазам эътироф этилаётир. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”га эришгани учун махсус мукофотига сазовор бўлган дунёдаги 14 та давлат орасида Ўзбекистон ҳам борлиги эътиборга молик.

Халқаро озиқ-овқат сиёсати илмий-тадқиқот институти ҳисоботларида ҳам Ўзбекистонда кейинги йилларда бу борада эътирофга сазовор ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Кўриниб турибдики, бу йўналишда мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

REFERENCES:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/6645>
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/07/food-security-conference/>
3. <https://yuz.uz/news/xalqaro-formatdagi-oziq-ovqat-xavfsizligini-taminlashda-bir-birini-toldirish-hamkorligi>
4. <https://kun.uz/kr/news/2023/09/08/oziq-ovqat-xavfsizligi-boyicha-nufuzli-xalqaro-konferensiya-yakunlandi-xulosalar>
5. Статистика агентлиги маълумотлари. 2024 йил.
6. Шарипов Қ. Халқаро форматдаги озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашда бир-бирини тўлдириш ҳамкорлиги. Мақола.2025 й.